

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС МАМЛАКАТИГА АЙЛАНДИ

Ўтган куни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуасида Профессионал Теннис Ассоциацияси тақвимидан ўрин олган Президент Кубоги халқаро турнири старт олди. Мукофот жамғармаси 550 минг АҚШ доллари бўлган бу йилги турнирда жаҳоннинг энг кучли теннисчилари — Евгений Кафельников, Марат Сафин, Николас Кифер, Доминик Хрбаты, Марк Россе каби юлдузлар иштирок этмоқда.



ТАДБИР

ВАЗИФАЛАР АНИҚЛАБ ОЛИНДИ

Сурхондарё вилояти прокуратураси идоралари ходимларининг мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясидаги маърузаси ва янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»-ги Қонун муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб юртбошимизнинг сессиядаги чиқишининг видеоёзуви намойиш этилди. Шундан сўнг кун тартибидagi масалалар бўйича Бош прокурор ўринбосари Э.Қудратов маъруза қилиб, Президентимиз томонидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида батафсил тўхталди. «Прокуратура тўғрисида»-ги янги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳусусида қарашларини баён этди.

— Президентимиз маърузаларини пухта ўрганиб, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олдик, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф.Бойзоқов. — Уларнинг ижросини жиноятчиликнинг аҳволини инobatта олган ҳолда жойларда ўрганиб чиқиш натижалари асосида ташкил этамиз. Прокуратура ходими деган номга лойиқ бўлиш учун бор билимимиз ва кучимизни сарфлаймиз.

Тадбирда вилоятнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

Моҳият

*Адолат ва ҳақиқат
ғояси ижтимоий
ҳаётимизнинг бар-
ча соҳаларини қам-
раб олмоғи даркор.
Адолат ва ҳақиқат
ғояси қонунчилик
фаолиятимизнинг
замини, бош йўна-
лиши бўлмоғи
шарт.*

Ислоҳ КАРИМОВ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
77-68-67, 77-59-31.
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ro'yxatlash shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Buyurtma 7 - 2849
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 19.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV

Navbatchi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Яқинда халқимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини катта тантана билан нишонлади. Тарих олдида кўз очиб юмгунчалик бўлган бу даврда асрларга татигулик ишлар қилинди. Дунёнинг етакчи мамлакатлари барча соҳадаги ютуқларимизни эътироф этмоқда. Ўтган вақт ичида мамлакатимиз халқро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўплаб хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйди. Истиқлол шарофати билан Республика прокуратураси ҳам кўплаб хорижий давлатларнинг прокуратура, адлия ва суд идоралари билан манфаатли алоқалар ўрнатди.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир» деган эди улуғ адибимиз Абдулла Қодирий. Собқ Иттифок даврида Республика прокуратураси таркибиди халқро муносабатлар бўлими бўлмаган. Мустақилликка эришганимиздан сўнггина бизга дунёнинг эшиклари кенг очилди ва тенглар ичида тенг бўлиб мамлакатимиз халқро майдонга чиқди. Халқро ташкилотларда ва дунё мамлакатларида юртимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Юртимизда ҳам кўплаб давлатларнинг элчионалари фаолият бошлади. Бир сўз билан айтганда, дунё бизни тан олди. Ана шу ютуқларимиз прокуратура учун кенг имкониятлар яратди. Фақатгина охириги икки йил давомида Республика прокуратураси ходимлари АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Корея, Филиппин, Венгрия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон давлатларида бўлиб, ўз ҳамкасблари билан тажриба алмашишди.

ликка қарши кураш манфаатлари хусусида фикр алмашди.

2000 йилнинг 11 октябр кўни Республикаимиз Бош прокурори Рашид Қодиоров ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хон Чжубин билан «Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида»ги битимни

руപ്പияга қарши кураш масалаларига бағишланган йиғилишда қатнашди. Шу йилнинг 16-26 март кўнлари эса Ўзбекистон прокуратураси делегация аъзолари АҚШда бўлиб қайтишди. Мақсад нафақат жиноятчиликнинг бу турига биргаликда курашиш, балки ўзаро тажриба ал-

кобизнесга қарши кураш департаменти президенти жаноб Макс Ратцел бошчилигидаги делегация қабул қилинди. Учрашувда Германиянинг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Мартин Хехер ҳам иштирок этди. Бош прокурор ўринбосари Э. Қудратов



ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

машиқдир.

Ўтган йилнинг апрель ойида Бош прокуроримиз АҚШнинг Федерал тергов бюроси директори Луи Фрини қабул қилди. Май ойида Қозғистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги делегация республикаимизда бўлди. Шу йилнинг 23 январь кўни Бош прокуроримиз БМТнинг Марказий Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ваколатхонаси экспертларини қабул қилди.

Бу учрашувлардан мақсад уюшган жиноятчилик ва наркотикига қарши курашда ҳамкорликни ривожлантиришдир. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар элчилари билан ҳам яхши алоқа ўрнатилган. Жорий йилнинг ўзида Россиянинг Ўзбекистондаги факулдада ва мухтор элчиси Д.Рюков, Франция элчиси Жак Андре Костилье, Болгария элчиси Эмиль Кагулдаев, Польша элчиси Зенон Кухчаклар билан Бош прокуроримиз ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда терроризм ва халқро жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг 24 март кўни Республика прокуратурасида Германия криминал полициясининг уюшган ва умумий жиноятчиликка ҳамда нар-

Япониянинг Нагая университети ҳуқуқшунос олимларини қабул қилди.

2000 йилнинг 30 апрелида Республика Бош прокурори ўринбосари П.Бобожонов қабулида бўлган корейлик ҳамкасблар делегацияси билан «Экстрадиция» ва «Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида»ги шартнома лойиҳаси имзоланди.

Яқинда Бош прокурор ўринбосари Э. Жўраев Халқро Қизил Хок кўмитаси вакиллари қабул қилди.

Ўтган икки йил давомида Ўзбекистон билан хорижий давлатлар ўртасида тайёрланган 100 дан ортик халқро битим ва шартномалар Республика прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг халқро ҳуқуқий меъёрларга мослиги юзасидан тегишли хулосалар тайёрланди.

Республика прокуратураси БМТ, ОБСЕ, ФТБ, Интерпол ташкилотлари билан йигирмадан зиёд халқро конференция ва семинарларга ташкил этди. Мақсадимиз келгусида ҳам хорижий давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари билан алоқани янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликда жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши самарали кураш олиб боришдир.

Бахтиёр ХУЖАЕВ,
Республика прокуратурасининг миллатларро ва халқро муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Мен истиқлол шарофати билан Англиянинг Экзетер университетиди ўқиб-қайтдим. Бу имкониятта Миллий университетимизда Европа Иттифоқининг «ТАСИС-ТЕМПУС» шартномаси асосидаги грантта эришиш билан сазовор бўлдим. Ушбу шартнома асосида университетимизнинг тарих факултети талаба ва аспирантлари Англия, Франция, Дания каби давлатларда малакаларини ошириб қайтди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Англиянинг таълим ва тараққиёт тарихи узок асрларга бориб тақалади. Европанинг дастлабки йирик олий ўқув юртлари ҳам шу ерда очилган. Бугун Оксфорд, Дембриж, Манчестер университетларининг доғруғи дунёга дoston.

Экзетер университети ҳам Англиянинг илғор ўқув даргоҳларидан бири бўлиб, унда 10 мингдан ортиқ талаба ва аспирантлар тахсил олади. Талабаларнинг ақсариёти чет эллик ёшлар ҳисобланади. Университет мамлакатнинг жануби-ғарбиди — Экзетер шаҳрида жойлашган.

Биз у ерда Буюк Британия ва дунё тарихини ўргандик. Дунё ёшлари билан бир аудиторияда ўтириб, ўз билимларимизни, иқтидорларимизни баҳоли қудрат кўрсатдик. Ёш, мустақил давлатимиз, унинг халқи, урф-одати-ю, аънавалари ҳақида тенгдошларимизга гапириб бердик.

Ўқиш давомида Англиянинг олий таълим соҳасидаги янгиликларини ўлаштирдик. Чунки бу бизга келгуси ишларимизда алоқатда асқотди. Ривожланиш йўлини танилаган давлатимиз учун малакали, етук мутахассислар сув билан ҳаводек зарур.

Бу йўлда биз каби хорижий давлатларда ўқиб қайтган

ёшларнинг хизматлари икки ҳисса ортик бўлмоғи зарур. Англиядаги профессор ўқитувчилар ҳам Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлидаги ҳаракатларини, халқимизнинг фидокорлигини, одоб-ахлоқи уларнинг хавасини оширди.

Албатта, ўзбекистонлик ёшларнинг илғор чет мамлакатларда ўқиб қайтишлари бу сайёҳлик даражасида яратилган имконият эмас. Давлатимиз ёшларга ишонч билдириб, бу имкониятни яратмоқда. Биз ёшлар бунни тўғри тушушган ҳолда барча мақбул ангилликларни ўлаштириб, уларни ишлаб чиқариш соҳаларида тағбиқ этишимиз зарур. Шундагина Ўзбекистон яқин келажақда дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олади.

Зокиржон САЙДОБОВЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

ШУ СОНГА ХАБАР

АМНИСТИЯ ШАРОФАТИ БИЛАН

Яқинда жазони ижро этиш муассасасидан Президентимизнинг 2001 йил 22 августдаги Фармониға биноан маҳбусларнинг дастлабки гуруҳини озод қилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни ҳоким А.Асқаров очди. Нотик ўз сўзида мустақиллигимиз туғайли инсон қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари юқори даражаға кўтарилганлигини таъкидлади. Сўнгра тергов-ҳибсхонаси бошлиғи Б.Алиев, прокуратура ва ИИБ вакиллари озодликка чиқаётганларга яратилган шароитлар, ёрдамлар ҳақида тўхталиб ўтди. Маросимнинг тантанали ўқимсида озодликка чиқаётган дастлабки ўн олти нафар маҳкумларнинг рўйхати эълон қилинди. Оиласи даврасига қайтаётганлар номидан Б.Юсупов, Х.Хидировлар ўзларига билдирилган ишонч, яратилган имконият учун Президентимизга миннатдорчилик билдирди.

Б.МУҲАММАДИЕВ,
Сирдарё вилояти
прокурорининг катта ёрдамчиси

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ УЙЛАР

ИНСОН – ЯНГИ ХУҚУҚИЙ ДОКТРИНА МАРКАЗИДА

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида яна бир салмоқли, тарихий қадам қўйилди. Шубҳасиз, «Хуқуқий сессия» сифатида тарихда қоладиган Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида республикаимиз суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган муҳим қонун ҳужжатларини қабул қилинди. Айтиш мумкинки, ушбу сессияда соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш орқали фуқаролар, давлат, жамият манфаатларини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини янада мустаҳкам ҳимоя қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг асосан суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишга бағишланган маъруза билан чиқиши тарихий воқеа бўлди.

Маърузада суд тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларга ҳолис баҳо берилди. Хуқуқ-тартибот идораларидаги кадрларнинг фаолиятига, уларни тайинлаш, тарбиялаш, заҳирасини яратиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, жиноят, жиноий-процессуал қонунчилигини ўзгартиришга оид тақлифлар Президентимиз томонидан атрофлича тушунириб берилди.

Хусусан, жиноят қонунчилигимиздаги жазоларни либераллаштириш, инсон қадр-қимматини марказий майдонга чиқариш тамойиллини фақат қўллаб-қувватлаш мумкин. «Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят Кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради» деб таъкидлади Президентимиз. Бу таъкиднинг мазмун-моҳияти нимада? Нима учун жазо турларини енгиллаштириш, жиноятлар хусусиятига баҳо бериш тамойилларини янгидан ишлаб чиқиш тақлиф қилинмоқда?

Аслида бу ўтмиш жамиятдан мерос бўлиб қолган, жиноятларга баҳо беришнинг қотиб қолган, эскича дунёқарашга асосланган механизмларини ўзгартириш заруратидир. Ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига мутлақо мос келмайдиган жиноятга «ўта қаттиққўлик» услубидан бугун узил-кесил воз кечиш лозим. Иқтисодий жиноятчилик ва бошқа жиноятлар юзасидан ҳам енгилроқ жазо турларининг киритилиши айнан юқоридagi тамойилларига мос келади. Бу ўринда иқтисодий таъсир чораларини кенгайтириш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига жарима, етказилган моддий зарарни қоплаш каби чоралар ўринли тарзда тақлиф этилган.

Президентимиз маърузасидаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига оид фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. Прокуратура органининг ҳуқуқий демократик давлатдаги ўрнига катта баҳо берилгани барча соҳа ходимлари сингари бизга ҳам катта масъулият юқлайди. Президентимиз томонидан билдирилган фикр анчадан бери таъкидлаб келинаётган тамойилнинг мантикий яқуни бўлди — «Прокуратура ходимлари халқнинг назоратчиси эмас, балки хизматчидир».

Албатта, айрим билдирилган танқидий мулоҳазаларни тўғри қабул қилмоқ лозим.

Мамлакатимиз жамоатчилиги сингари Сирдарё вилоят прокуратураси ходимлари ҳам ушбу ўзгаришларни чуқур қўллаб-қувватлайдилар.

Прокуратура идораларига билдирилган ишонч бизга жуда катта вазифа юқлайди. Прокуратуранинг фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижросининг назоратини таъминловчи орган эканлиги ва шу йўл билан мана шу халқнинг хизматчиси сифатида эътироф этилишининг ўзи катта гап.

2001 йил 1 июнь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик қарийб 712 миллион сўмни ташкил этганлиги боис прокуратура ходимларининг таъсир чоралари кучайтирилди. Натижада август ойининг охирига келиб қарздорлик узил-кесил тугатилди. Прокуратура ходимлари ҳар бир ундирилган сўм ортида инсон манфаати, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ётганини, оила, фарзандлари, ҳуқуқларига пўтур етказилаётганлигини масъулият билан англадилар.

Хулоса қилиб айтганда ҳаёт, жамиятнинг ўзи прокуратура идораларига катта масъулият юқлаган экан, биз бу масъулиятни тўғри англаб, ўзимиздаги бор куч ва имкониятлардан фойдаланаверамиз.

Азиз ШАМСИҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокуратурининг ўринбосари

«ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

«ҲАМОН ЖАВОБ ЙЎҚ»

«Хуқуқ», 27-сон, 2001 йил

Мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, Нарпай туман халқ таълими бўлимига қарашли 37-урта мактаб 1972 йилда тўлиқсиз ўрта мактаб сифатида ташкил этилиб, ўқувчилар сонининг кўпайиши натижасида 1990 йилдан буён ўрта мактабга айлантирилган. Дастлаб мактаб биноси темир йўл ёнида жойлашган бўлиб, аҳолининг талабига асосан бошқа жойга кўчирилган. Янги мактаб 1994 йилда ҳашар йўли билан бир корпусда, «Оқ олтин» ширкат хўжалиги кўмағида тош-бетон пойдевор асосида пахсадан қурилиб ишга туширилган 5 та синф хонасидан иборат бўлган. Синф хоналари етишмаганлиги учун ўқитувчилар яна ҳашар қилиб қўшимча 6 та синф хонаси ва 2 та кичик хона қуришган. Бинонинг томини ёпиш учун тахта ҳамда эшик-деризалар эски мактабдан бузиб олиб келинган. Кейинчалик яна ҳашар йўли билан 7 та синф хонасидан иборат қўшимча 2-корпус ҳам қурилган бўлиб, текшириш қунига қадар бинонинг томи ёпишмаганлиги аниқланди.

1998, 1999, 2000 ҳамда 2001 йилнинг ўтган даврида ХТБ томонидан 37-мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Ушбу мақсадлар учун қурилиш материаллари ҳам ажратилмаган.

Ҳозирги кунда мактабда 475 нафар ўқувчи ва 66 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келмоқда. Мактабда жами 21 та синф хоналари мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам электрлаштирилмаган. Фойдаланилаётган 13 та синф хонасининг 5 таси қишда буг қозони, қолган 8 таси кўмир билан иситилган, шунингдек, ўқувчилар учун парталар етишмайдиган, борларининг ҳам аксарияти фойдаланиш учун яроқсиздир.

Текшириш яқунига кўра 37-мактаб биносини таъмирлаш ва техник ҳолатини яхшилаш юзасидан чора кўриш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилиб, туман ХТБ бошлиғи Ж.Ҳолиқовга нисбатан иттиҳомий ҳуқуқбузарликка доир иш кўзғатишган.

А.А.ЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

АЛИМЕНТ УНДИРИЛГАНУ ЖЎНАТИЛМАГАН

М. Сайимованинг қарздор Р. Сайимовдан бир нафар фарзанди учун алимент ололмаётганлиги ҳақида ёзган аризаси текширилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 9.02.2001 йилдаги ҳал қилув қарорига кўра қарздор Р. Сайимовдан фарзанди таъминоти учун ойлик маошининг 25 фоизи миқдоридан 30.01.2001 йилдан бошлаб алимент ундириш белгиланган.

Бу ҳақидаги ижро варақаси 16.02.2001 йилда фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро суди ижросини иш юртувиغا берилган.

Қарздор Ҳамза тумани ҳудудига жойлашган «Тошқилиққомаш» акционерлик жамиятида ишчи бўлиб ишлаётганлиги сабабли 28.03.2001 йилда алимент ундириш ҳақидаги ижро варақаси юқориди қайд этилган корхонанинг ҳисобхонасига топширилган.

Корхона ҳисобхонасидан олинган маълумотга кўра қарздорнинг ойлик маошидан 2001 йил март ойидан бошлаб июль ойига қадар 15320 сўм алимент ундирилган. Лекин корхонанинг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги ва ойлик маош берилмаганлиги сабабли ундирилган алиментлар М. Сайимовга жўнатилмаган.

Алиментларнинг жўнатиб юборилиши фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди назорати-га олинди.

К.ҲАМРОЕВ,

Адлия вазирлиги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи

ФУҚАРО НОҲАҚ ЖАБР ЧЕККАН

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Б. Бекчановнинг «Хоразмдонмахсулотлари» акционерлик уюшмаси тизимидан ноконуний ишдан бўшатилганлиги ҳақида «Хуқуқ» газетаси тахририятига ёзган аризаси ўрғаниб чиқилди.

Аниқланишича, Хоразм вилояти, Гулран туманидаги «Гулистон» дон қабул қилиш пунктида амбор мудири бўлиб ишлаган Б. Бекчанов 1998 йил 17 июль кун «Хоразмдонмахсулотлари» АУ раиси номига меҳнат таътили бериш ва таътилдан сўнг эғаллаб турган давомийдан озод қилиб, ўз мутахассислиги бўйича бошқа ишга ўтказишни сўраб ариза берган.

Маъмур аризага асосан, 1998 йил 20 июлда Б. Бекчановга меҳнат таътили бериш ва ўз розилиги билан эғаллаб турган вазифасидан озод қилиш тўғрисида уюшма раисининг 51-

сонли буйруғи чиқарилган бўлиб, ходимни бошқа иш билан таъминлаш чоралари қўрилмай қолган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 80, 90 ва 92-моддаларида меҳнат шартномаси ёки шартлов ҳодимнинг ташаббуси билан ўзгартирилганда, иш беришни ходимни бошқа иш билан таъминлаш чораларини кўриши шартлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, вилоят прокуратураси томонидан Б. Бекчановни ишга тиклаш ва мажбурий проғул вақти учун ўртача иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўлаш ҳақида «Хоразмдонмахсулотлари» акционерлик уюшмасига тегишли прокурор таъсир чораси киритилди.

Д. ИСРОИЛОВ,

Хоразм вилоят прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

СУДНИНГ ҚАРОРИ БАЖАРИЛМАЯПТИ

Ҳурматли тахририят!

Мен 2000 йил 20 июнда Беруний туманидаги «Қиётобод» ДФХУ билан ипак кўрти боқиш бўйича 5 йилга шартнома тўзган эдим. Ўша йили 80 кг пилла топ-шириб, 13825 сўм ҳақ олдим. Уюшма раиси шартномани бузиб, 2001 йили менга ипак кўрти бермади. Норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига давво аризаси билан мурожаат қилдим. 2001 йил 5 июнь кун суд аризмани кўриб чиқди ва даввоимни қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин уюшма ҳанузгача суд қарорини бажармай келаяпти. Менга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришга ёрдам беришларингизни сўрайман.

Ойсанан УРОЗАЛИЕВА,
Беруний тумани

НОГИРОН ЎФИЛ ТАҚДИРИ

Тахририятга Самарқанд вилояти Челақ туманида яшовчи Муборак Эгамбердиевдан хат келди. Тошкентда ишловчи ҳамқишлоғига турмушга чиқиб кун кўрмагани ҳақида ёзди. Кўеббола унга мутахассислиги бўйича ишларни ман қилибди. Доимий жанжал туфайли илк фарзандлари ногирон туғилган, ўн кун ўтмай она-бола кўчага қувилди. Аянчли тақдир. Шундай бўлишини билгандай, М. Эгамбердиевнинг қистовига қарамай эри қонуний никоҳдан ўтишини шу кўнчага пайсалга солиб келган экан.

«Ўғлимнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқлиги боис энди на алимент, на ижтимоий нафақа олишга имконим йўқ», деб ёзди М. Эгамбердиев.

Ушбу шикоят текшириб, чора кўриш учун Тошкент шаҳар ИИББга жўнатилган эди. Яқинда шикоят юзасидан расмий жавоб олдик. Унда шундай дейилади:

«...фуқаро М. Эгамбердиевнинг турмуш ўртоғи, А. Икромов тумани ИИББ ходими Фуқрат Тоштемуровнинг қилмишлари устидан ёзган аризаси Тошкент шаҳар ИИББ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Ф. Тоштемуровга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви жараёнида М. Эгамбердиевнинг аризасида кўрсатилган вазир қисман ўз тасдиқини топди. Ф. Тоштемуровнинг ҳулқини ўрта бошқилар таркиби «Ахлоқ-одоб ва иттиҳом суди»да муҳокама қилиш ҳақида ҳулоса чиқарилиб, ижро этиш учун А. Икромов тумани ИИББга юборилди.

Б. Носиров,

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари,
ички хизмат полковниги».

Шикоятчининг қайси вазлари тасдиқлангани ва Ф. Тоштемуровнинг ҳулқини муҳокама қилиш унинг ногирон ўғли тақдирига қай даражада ижобий таъсир этгани тўғрисида, кўриб турганингиздек, расмий жавоб хатда дом-мим дейилмаган.

Тахририят лозим бўлса бу мавзуга яна қайтади.

ХАЁТ СЎҒМОҚЛАРИДА

ТУҲМАТ ҚУРБОНИ

Дунёда гулдан-да нозик нарса бормикин? Гулни-ку, бир «пуф»-ласангиз кифоя, тўкилади. Лекин, гулдан-да нозик кўнгилга «пуф»-лашнинг ҳождати йўқ. У бир нигоҳ орқали ҳам тўкилаверади. Тўкилган гул япроги ёнидан иккинчи гунча бўй кўрсатиб, ўз ҳусни жамолига мафтун этиши мумкин. Аммо, тўкилган гулнинг ҳазонга айланган япроққа ўхшайди, синган коса сингари уни тикламоқ душвор.

Баъзида билибми-билмай ён атрофимиздагиларнинг дилини ранжитиб қўямиз. Айтган бир оғиз сўзга турсин, ҳатто хижолат ҳам бўлмаймиз. Аксинча, ўзимизни оқлашга уринамиз. Бу билан биз иккиюзламачига, тўхматига ёки юзсизга айланиб қолаётганимизни тан олгимиз келмайди. Тўхматга юз тутган кўнгил эса тош остида мажакланган гулдан фарқсиздир. Куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеани ҳам бунга далил бўла олади.

РИШТА

Қобилжон билан Акбар (исмлар ўзгартирилган) бир маҳаллада яшайди. Иккаласининг хонадони ўртасида иккита ҳовли бор, холос. Акбар терига қайта ишлов бериш билан шуғулланади. Топиш-туттиш чакки эмас. Унинг ҳунарига ҳавас қилган Қобилжон ҳам Акбарга ўхшашни истарди. Шу боис дилидаги ниятини қўннисига ошкор қилганида, у бажонидил рози бўлди.

— Э, ука, — деди Акбар, — ҳунарни елкамга ортиб кетаримиди? Мендан кейин ҳам кимдир шу иш билан шуғулланиши керак-ку. Шогирд бўлсанг ҳам бўлмайсан.

Бу гаплардан Қобилжоннинг боши кўларга етди. Шу кундан бошлаб улар ўртасида ришта пайдо бўлди. Бу устоз ва шогирд риштаси, кези келганда энг яқин сирдошлик риштаси эди. Қобилжон устозидан терини қайта ишлаш сирларини кунт билан ўрганар, меҳнатдан қочмасди. Ҳунари ўрганаётганидан шогирд, унинг хизматидан эса устоз шод эди.

— Устоз, суюнчи хабар келтирдим, — деди кунларнинг бирида Қобилжон. — Мен уйланыяпман.

— Ие, шунақами? — ҳурсанд бўлди устоз ҳам. — Тўйлар муборак бўлсин!

— Қўлуқ, устоз, қўлуқ! Эртага фотиҳа. Ўзингиз бош бўласиз, энди.

— Албатта! Нима хизмат бўлса биз тайёр.

— Хизмат деганингиз нимаси. Уйимнинг тўрида ўтирганингизни кўрсан, менга шунинг ўзи етарли.

АДОВАТ

Фотиҳа тўйи бўлиб ўтди. Бирок, айрим сабабларга кўра Акбар унда қатнаша олмади.

— Устозинг қўннимадими? — сўради Қобилжоннинг укаси Комилжон.

— Ҳайронман, — елка қисди Қобилжон. — Зарур юмуши чиқиб қолгандир-да.

— Қанақа юмуш? Сени менсимаган, — жазаваси тутди Комилжон. — Биз камбағалмиз-да, у бойвачча. Биз кабиларни оёқ учиде кўрсатади-ю, фотиҳа тўйига чиқармиди. Сен бўлсанг унга ҳавас қилиб юрибсан.

Шу лаҳзадан бошлаб Комилда аксининг устозига нисбатан адоват пайдо бўлди. Бу эса унинг қалбини тирнайверди-тирнайверди. Бу орада қўшни маҳаллада ҳам тўй бўлиб қолди. Тўйда бир оз ароқ ичган Комил тун зулматида уйига қайтарди. Акбарнинг ҳовлисига етганида эса беихтиёр тўхтаб қолди. «Унинг нима иш қилганини юзига солмасам бўлмас. Акамни оёқ учиде кўрсатишларига йўл қўймаслигимни кўрсатиб қўй. Токи, иккинчи бор бизларга нисбатан бундай муомалада бўлмайдиган бўлсин». Ҳаёлидан кечган ана шу ўйлар уни ичкарига етаклади. Бемаҳалда чақираётган Комилжоннинг таширидан ҳайратта тушган Акбар ҳайрон бўлиб унга юзланди:

— Кел, ука, тинчликми?

Комилжон дилидаги бор гапни тўкиб солди. Акбар бу йигитнинг кайфи борлигини, шу алфозда унга гап ўқитиб бўлмаслигини англаб етди. Шунинг учун ҳам уни бир амаллаб кўчага олиб чиқди-да, эшикни ичкаридан ёпди.

ҚАСД

Комилжоннинг бу ташири, табиийки, Акбарга ёқмади. У туни билан ўзига келолмади. Ҳазаблар, Комилжон адабини бериб қўйишни ўйларди. Тонгда эса бир ҳовлида яшовчи укаси Анварга тунда бўлиб ўтган воқеани айтиб берди.

Анвар шу куннинг ўзидеёқ Комилжоннинг ота-онасига

учради:

— Ўғлингиз нима иш қилиб қўйганлигини биласизларми? — юзланди у. — Тунда акамникига бостириб кирибди. Велосипедини ўғирлаётганда ушлаб олибди. Айтиб қўйди, акамнинг уйдан бир дона игна йўқолса ҳам ўғлингиздан кўраман энди. Милицияга хабар қилмаганимиз учун ҳам шукр қилиб, ўғлингизни тартибга солиб олинглар.

Ота-она ҳайрон бўлди. Қўйдек ювош, шоиртабиат фарзанди наҳотки ўғирлик қилса.

Комилжон бу гаплардан ўзини йўқотди. «Бу тўхмат, — ҳайқирди у, — мен унга акамни камситганлигини айтдим, холос. Ўғирлик қилиш ҳаёлимга ҳам келгани йўқ».

Ота-она бўлса нима қилишини, нима дейишини билмасди.

ЎҒИРЛИК

Орадан бир-икки кун ўтиб, Акбарнинг ҳовлисида ҳақиқатан ҳам ўғирлик содир этилди. Унинг жами қиймати юз минг сўмлик беш дона терисини ўғирлаб кетишди. Акбар билан Анвар тонгги сукунати ўз ҳайқириқлари билан бузилиб, Комилниқига кириб келишди.

— Ҳа врасмас, ўғри. Ахир, айтганингни қилибсан-да. Айт, териларни қаёққа беркитдинг? Шерикларинг қимлар?

Комилжон ҳеч нарсага тушунмай елка қисганча тураверди.

— Ўтган сафар велосипедимизни ўғирламоқчи бўлдинг. Бу гал териларимизни ўмардинг. Қадрингни билмадинг-а, номард. Ана энди милицияга хабар бериб, таъзирингиз бермасак, юрган эканмиз.

Комилжон ҳамон лол қолганча турар, нима деб жавоб беришни ҳам билмасди. Ака-ука қўл силташганча ушбу хонадонни тарқ этишиб, ички ишлар бўлими томон йўл олишди.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД

Ака-ука томонидан қўйилган «ўғри» тамғасини Комилжон кўтара олмай қолди. Аксига олиб, ота-она ҳам уни тинч қўймади:

— Ўғирлар бўлсанг, қайтар ўшаларнинг терисини, — дерди улар.

«Нега менга ҳеч ким ишонмайди, — ўйларди Комил. — Ўғри эмаслигимни қандай исботлай оламан? Тунда уйига кирганим рост. Лекин, ўғирлик қилиш ҳаёлимда ҳам йўқ эди-ку. Наҳотки, энди пешонамда шу тамга билан ўтиб кетсам. Йўқ, бундан кўра ўлганим яхши!».

Комилжон томчи қикди. Белидаги иккита белбоғни ечиб, уларни бир-бирига улади. Сўнг тўсинга боғлаб, сиртмоқ ўткади. Қўлоқлари остида ҳамон бир сўз янгарди: «ўғри, ўғри...» Комилнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. У беихтиёр оёқлари остидаги қўтини туртди...

Ўғлини ерга берган она қон йиғлади. Ҳар дамда унинг сиймоси мўлтилаганча унга тикилиб турганда ўхшайверади. Она Комилжоннинг уйига кирди. Стол устида бетартиб сочилиб ётган қоғозлардан бирини қўлга олди. Шеър. Комилжон ёзган шеър. Иккинчи қоғозда ҳам шеър. Учинчи қоғозда эса... мактуб. Она уни ўқий бошлади:

«Отажон, онажон! Мени кечиринглар. Юзингизни ерга қаратдим. Лекин, ишонинг, ўғри эмасман. Кунлар ўтиб, ўғирлар ҳам аниқланар. Лекин энди мен учун бунинг аҳамияти йўқ. Мен бу каби тўхматга, иснодга чидай оламан. Сизлардан розиман. Мендан ҳам рози бўлинглар.

Ўғлингиз Комилжон».

ХУЛОСА

Маҳалла ҳаловатини йўқотди. Кимдир Акбарнинг терисини ўғирлаган кимсалар ҳақида «миш-миш» айтса, кимдир Комилжоннинг тўхмат қурбонига айланганлигини сўзларди. Бу орада ички ишлар ва прокуратура ҳодимлари воқеа юзасидан текшириш ишларига яқун ясади. Суд эса Комилжоннинг ўлимида ака-укаларнинг айби бор, деган хулосага келди ва уларга нисбатан жиноий жазо тайинлади.

Сўнгги сўз ўрнида айтганимиз шунки: тўхматлардан ўзи асрасин!

Рафиқжон КАРИМОВ,
Анджон шаҳар
прокуратурасининг
катта терговчиси,
2-даражали юрист

«Ҳар қандай нарсанинг чегараси бўлиши керак. Лекин ширкат ҳўжасизлигидаги ҳўжасизлик, қонунбузишлар авж олиб кетаяпти...»

(Наманган вилояти, Уйчи туманидаги «Ғайрат» ширкат ҳўжалиги аъзоларидан бир груҳунинг тахририятимизга йўллаган шикоят хатидан.)

Тахририят топшириғи билан мазкур ширкат ҳўжалигида бўлиб, «авж олиб кетаяпти» ҳўжасизлик, қонунбузишлар» нимага асосланган иборат эканлиги билан қизиқдим. Кимсасиз, ҳўйиллаб ётган ҳўжалик бошқаруви идораси журналист ташири сабабли анча гавжумлашиб қолди ва икки кун давомида бу ердан одамларнинг оёғи узилмади. Уларнинг айримлари кейинги йилларда ҳўжалик раҳбарлари томонидан йўл қўйлаётган адолатсизликларга чек қўйиш мақсадида ёзган шикоятлари беъэтибор қолмаганлиги учун тахририятга миннатдорчилик билдирса, бошқалари шикоятда қайд этилмаган яна бир қанча муаммолар борлиғи ҳақида гапириб, адолатчи юзага чиқаришда ёрдам беришимизни сўради.

З.НУРМАТОВА: Оилада 7 жонимиз. Турмуш ўртоғим механизатор, мен эса болаларим билан 1,5 гектар пахта пудрати олганман. Эртадан кечгача далада ишлаймиз, режаларни ортиғи билан бажарамиз. Лекин меҳнатимизга яраша ҳақ ололмаймиз. Қачон идорага келсак, «пул йўқ» деб қайтаришади. Ўтган йили ҳўжалик раҳбарлари пахта йигим-терим мавсуми охирида терган пахтаимизнинг пулини ҳам бермади. 25 йилдан буён шу ҳўжаликда ишлайман. Бирор марта ҳўжалиқдан сут, сарёғ олманман. Яқинда билсам, ҳўжалигимиз раҳбарлари аъзолар сут, сарёғ олди деб, қалбаки ведомост қилишиб иш ҳақимиздан ушлаб қолишар экан».

Ҳўжалик бошқаруви раиси Одилов Носиров ва бош ҳисобчи Комилжон Эргашев «аъзоларимизнинг яхши иш-лашлари учун барча шароитлар яратилган. Иш ҳақларини ҳам вақтида олиб туришибди», дея бир-бирларининг гапларини такрорлаётган бир пайтда З.Нурматованинг идорага тортиниб кириб келиб, айтган бу гаплари уларнинг қайфиятини тушириб юборди.

Шундан сўнг 4-бригаданинг оилави пудратчиси М.Исроилова, ишчи М.Назаров, 15-боғча ҳодимлари Р.Қосимова, З.Хусанова беришмай қолган ҳақларини талаб қилиб келишди. Умуман, ҳўжатлар ўрганилиб, ҳисоб-китоб қилинганда ширкат ҳўжалиғи бошқа туловлар бўйича аъзолардан 1 июль ҳолатига 18,10 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиғи маълум бўлди.

Д.СИДДИКОВА: Ўтган йили июнь ойида фермер ҳўжалиғи ташкил қилиш мақсадида ҳўжаликка ариза бердим. Уч ойлик овозарагчилик, югур-югурдан сўнг қарор чиқариб беришди. Аризам ва бу қарор туман ҳўкимлигида 5 ой ётди, қатнайвериб чарчадим. Шу

йилнинг март ойида ҳўким ёрдамчиси Сайфиддин Хусанов мени хонасига чақириб, «сотовой телефон олиб берсангиз ҳўкимнинг қарорини қўлингизга тутказаман» деди. Сарсон бўлавериб чарчаганимиздан ва иккинчи йил ҳам ер ололмаслиғимизга қўзимиз ётганидан сўнг турмуш ўртоғим ва укам билан маслаҳатлашиб уйдаги молимизни сотишга мажбур бўлдик. 110 минг сўмга сотовой телефон олиб уч киши гувоҳлигида ҳўкимиятга бордик ва Сайфиддинга телефонни бериб, фермер ҳўжалигим рўйхатга олинганлиғи тўғрисидаги қарорни олдим.

Ҳўжалик раиси О.Носиров ва унинг ҳамтовоғи С.Хусанов деҳқонларга, фермер ҳўжалиқларига ёрдам бериб,

НАФС

ердан мўл ҳосил олишни эмас, ўз ҳамёнларини тўлдиришни ўйлашади. Улар бирор иш қонуний ҳал қилиниши лозим бўлса ҳам қуруққа бажаришмайди.

Ҳўжалик аъзолари Қ.Абдурахмонов, М.Холқоров ва М.Йўлдошевлар ҳам кейинги пайтларда ҳўжалиқдан фойза кетгани, бунга асосан ҳўжалик раҳбарларининг ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаётгани сабаб бўлаётганлиғи ҳақида қўйиниб гапирибди.

Улар шикоят хатида таъкидлаган раис топириғи билан ерлар сотилиб, талон-тарож қилинаётгани, ўнлаб гектар ерлар эрта баҳордан буён экилмай ётгани, қалбаки ведомостлар қилиниб давлат маблағлари ўзлаштирилаётгани каби фактларни жиҳдий ўрганиб қўришимизни талаб қилишди.

Ҳўжалик аъзоларининг қўйиниб айтган гаплари ва шикоят хатида қайд этилган масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида ҳўжалик назорат-тафтиш комиссияси раиси М.Қамолов билан 9-бригада даласида бўлдик. Бу ерда 7 гектар майдон эрта баҳорда чигит экиш учун эграт олиб қўйилган ҳолда қилиб кетган. Унинг бир четига кимдир деҳқончилик қилган, қолган қатта қисмини эса ўт босиб ётибди. М.Қамолов бу ер ҳўжалик идора ҳодимлари ва механизаторлари эҳтиёжи учун қолдирилгани, бироқ сув танқислиғи боис экилмай қолганлигини таъкидлади.

МАҲКУМ УЙГА

Онаизор қалбидан ҳар тонг, ҳар оқшом хавотир ва илтижо билан отиладиган бу нидо ҳар бир фарзандни ҳам ҳўшёрликка ундайвермас экан. Шу боис кўзда ёши билан туғун кўтариб, бебош боласи дийдорига интиққан сарсон-саргардон оналарни, қомати эрта эгилган оталарни ЖИЭМлари эшиғи олдида мискин ҳолда кўрамыз, ота-онасини соғиниб кутаётган боланинг мунгли нигоҳига дуч келамиз. Учрашувга рухсат этилган боши эгик маҳкумнинг чиқиб келаётганини кўриб кўнгил эзилади.

У ким? Кимгадир озор етказган, ота-она пандини қўлоққа илган фарзанд. У ким? Ҳалол меҳнатга бўйин ёр бермай ҳаром-ҳарис пул топиш йўлига кирган, ҳатто қўннисининг молини ўғирлаб зор қашатган, ўзганинг ҳақидан ҳазар қилмаган нобоккор ўғил. У ким? Ўз фарзандларининг кўз ўнгига аёлини ҳўрлаган, ранжу алам, ўлим уругини со-

чувчи гиёвҳанд моддаларни тарқатиб пуллаган, ароққа ҳаловатини алишган ношудай. Улар турфа-турфа гуноҳлар тудайил жазо муддатини ўтаётган сизу бизнинг «ёмон» болаларимиз, ака-укаларимиз. Шу боис муассасалар ҳар қанча обод ва озода бўлмасин, ҳаммаси ҳазон фаслини эслатиб тураверади. Фақат пушаймонли, афсус-надомат тўла

Унинг гапига жавобан ташландиқ ер ёнингди қиб ўтган катта анҳорда болалар бақир-чақир қилиб чўмилишгаётганини кўрсатди. У энди бошқа баҳоналарни рўқча қилишга ўтди. Ажабланирлиси, шунча катта майдонга нима учун экин экилмай қолганлиги ва кимга бир-китилганлиги ҳақида тегишли ҳужжат топилмади.

Ҳўжаликнинг 7-бригадасида галладан бўшаган майдонда такрорий экин сифатида парваришланаётган сабзи, ловия, мош, маккажўҳори экинлари сув танқислиги нимагадир билмай барқ уриб яшнамоқда. Бироқ, экинларнинг асосий қисми ҳўжалик аъзолариники эмас, балки ташқаридан келиб деҳқончилик қилаётган одамларники бўлиб чиқди. Масалан, ўроқда йўқ, мошқоқда йўқ О.Қаюмов, Н.Нишонов ва И.Жўраевларга бир гектардан, уларнинг ёнидан эса эрта баҳордан меҳнат қилган бригада аъзоларига бор-йўғи 5 сотихдан, яъни бир жуфддан пушта берилган. М.Қамоловдан ернинг кимгадир

гектардаги кунгабоқар ва шолидан ҳам худди шу тарзда даромад қилинган. Холбуки, ташқаридан келган бу «тадбиркор деҳқонлар» ҳам ҳўжалик билан ўзаро шартнома тузишган, лекин у қорозда қолиб кетган.

Ҳўжаликнинг ҳисобот ҳужжатларини кўздан кечириш пайтида яна бир антиқа кўзбўямачиликка дуч келдик. 2000 йил ҳўжаликнинг барча бригада аъзоларига сут ва сарёғ берилгани ҳақида 15-рақамли ҳисобот дафтаридаги тўлов ведомостлари диққатимизни тортди. Унда қайд этилган ҳўжалик аъзоларининг имзоси ўрнига ясама, қалбаки имзолар қўйиб ташланган. Айрим одамларнинг имзоси ўрнига исми ёзиб қўйилган. Бу ҳужжатлар нечоғли тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун ведомостда фамилияларни қайд этилган ҳўжалик аъзолари билан суҳбатлашдик. Бироқ, уларнинг бирорта-

ётганини билишмади.

Шундай қилиб, 400 нафардан зиёд қишлоқ экивларининг ҳар бирига 100 килодан бугдойнинг ҳар килоси 50 сўмдан сотилди. Бироқ 100 кило ўрнига 50 килодан бугдой тарқатилди, дея ведомост қилиниб, ҳўжалик кассасига кириб қилинди ва қолган ярмининг пули яна «туя» қилинди.

Ҳўжалик бош ҳисобчиси К.Эргашев ва 22-ўрта мактаб директори И.Исоқов 710 нафар ўқитувчи ва техник ходимга 100 килодан эмас, 50 килодан жами 3,5 тонна бугдой тарқатганмиш, унинг 175000 сўмини ҳўжалик газнасига топширганмиш, дея зўр бериб бизни ишонтирмоқчи бўлишди, тўлов ведомостларини рўқча қилишди. Ҳайриятки, виждон, инсоф ва диёнати йўқотмаган одамлар хали кўп. Ана шундай одамлар, яъни мактаб ўқитувчиларининг ўзи уларнинг бу ёлғонини фош қилишди.

«Хўқуқ» газетаси таҳририятга маълумотнома:

«Биз, 22-ўрта мактаб ўқитувчилари Раҳимжон Абдурахмонов ва Абдуқошим Муллажонов шунга маълум қиламизки, 2000 йил май ойида «Ғайрат» ширкат ҳўжалиги томонидан ўқитувчиларга ёрдам сифатида берилган бугдойдан ҳар бировимиз 5000 сўмдан нақд пул тўлаб 100 килодан сотиб олганмиш.»

Кўриниб турибдики, 22-ўрта мактаб жамоасига ведомостда қайд этилган 3,5 тонна бугдой 175 минг сўмга эмас, балки 7 тонна бугдой 350 минг сўмга сотилган. Бироқ унинг яъни кимларнингдир ҳамёнига тушган. 34, 38-ўрта мактаблар, қишлоқ фуқаролар йиғини, қишлоқ врачлик пункти жамоаларига сотилган бугдойнинг пуллари ҳам худди шундай «арра» қилинган. Бу бир неча юз минг сўмни ташкил қилади.

Қаерда адолатсизлик авж олса, ўша ерда норозилик пайдо бўлади. Унинг олди олинмаса, бир кун келиб албатта порталиди. Уйчи туманидаги «Ғайрат» ширкат ҳўжалигида ҳам худди шундай бўлди. Ҳўжалик раҳбарларининг хурмача қилиқларидан одамларнинг сабр-қосаси тўлди ва улар ўз ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилиб юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Уларнинг мурожаатларига жавобан биз мазкур ҳўжаликда ўз хизмат вазифамизни бажардик. Бор ҳақиқатни айтиб ҳўжалик раҳбарлари, туман ҳокимининг собиқ ёрдамчиси багарасига қўзғу тутдик, ҳолос. Биз уларни айблах фикридан айроқимиз. Эеро, бу билан шўғулланадиган мутасадди идоралар бор. Ўйлашимизки, бу ҳақда улар ўз фикрларини айтишдади ва таҳририят бу мавзуга ая қайтади.

Абдуқошим МАДАТОВ,
«Хўқуқ»нинг махсус муҳбири

● ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

БАНДАЛАРИ

мисқоллаб, кимгадир ботмонлаб тарқатилган сабабини сўрадик.

— Тўғри, четдан келган одамларга бир гектардан ер берганмиш. Лекин улар билан шартноманимиз бор. Олган ҳосилининг бир қисмини ҳўжалигимизга топширади.

— Ана шундай шартнома ҳўжалик аъзолари билан тузилса бўлмайдики?

— Бўлади. Бироқ, уруғ сотиб олиш ва деҳқончилик қилиш учун уларнинг маблағи йўқ.

Ҳўжалик аъзолари эса бу фикрни қатъиян рад этишди. Улар ер ўзларига берилса, деҳқончилик қилиб, ҳўжаликка фойда келтиришини, лекин ер текинга берилмаслигини очикдан-очик айтишди.

Биз юқоридagi фикрлар билан «Ғайрат» ширкат ҳўжалигида ерлар сотила-япти, деган даъводдан фироқимиз. Лекин бу йилги ҳолат ўтган йили ҳам тақорланган ва таҳлиллар қўйидагича:

2000 йил эрта баҳорда Т.Назаров бошчилигида бригада экми майдонидан 2 гектар ер А. Мўминовга берилган. У бу ерга нўхат ва тарвуз экиб, топширилган бир қисм маҳсулот ҳўжаликка номингагина кириб қилинган. Шунингдек, М.Луқмонхўжаев 2,70 гектарга пиез экиб, ҳўжалик омборига 3 тоннага яқин маҳсулот топширган, ҳолос.

Фалладан бўшаган майдонларга экилган 0,70 сотих ердаги мош, 8,5

си ўз имзосини «таний олмади» ва қўйидагича изох беришди:

«2000 йил ноябрь ойида 35 килограммдан сут олганимиз тўғрисидаги ведомост қалбаки, имзо бизники эмас. Аъзоларга ҳўжалик ҳисобидан сут, сарёғ берилгани тўғрисида энди хабардор бўламиз.»

7-бригада оилавий пудратчилари: М.Йўлдошева, Ф. Мўминова.»

Афсуски, бундай қалбаки ведомостлар битта 7-бригадада эмас, барча бригадаларда мавжуд бўлган. Шу тарзда ўтган йили 380 килограмм сарёғ, 50 тоннадан ортиқ сут «туя» қилинган. Ундан тушган жарак-жарак пуллар қаёққа кетганлигини ҳеч ким билмайди.

Ҳўжалик раҳбарларининг ҳўйла-ю найранглари бу билан тугамади. Улар сут, сарёғ операциясини тутатмай, бошқа бир операцияни бошлаб юборишди. Давлатга галла сотиш режаси бажарилган, ҳўжалик ихтиёрида қолган донни «хазм» қилиш пайига тушишди ва бунинг ҳам йўлини топишди.

Ҳўжалик раҳбарлари ўз худудларидagi 22, 23, 34-ўрта мактаблар, қишлоқ фуқаролар кенаш, врачлик пункти жамоаларига бугдой тарқатиш «ташаббуси» билан чиқишди. Буни эшитган қишлоқ экивлари ҳўжалик раҳбарларининг мурувватидан мамнун бўлишди-ю аммо бунинг замирида гаразли мақсад

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ — ЮРТ МАНФААТИ

Ривожланган давлатларнинг тараққиёт босқичига назар ташланса, иқтисодиётнинг юксалиши асосан қуйи қаватдан, яъни кичик ва ўрта бизнесни тўғри йўлга қўйиш орқали такомиллашганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Босқичма-босқич ривожланиш жараёни айнан шу кўринишда шаклланади. Дунё ёзорларидаги рақобатбардosh маҳсулотлар ҳам ушбу йўналиш белгисидир.

Республикада тадбиркорликни жаҳон андозалари асосида ривожлантириш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Кейинги йилларда бу борадаги ишлар ўз самарасини берди. Бозор иқтисодиёти даврида кичик ва ўрта бизнес тубдан ривожланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 190 мингдан зиёд ўрта ва кичик корхоналар фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир. Ана шундай шароитда иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил саналган тадбиркорликни йўлга қўйишда тадбиркор манфаатларини ҳимоя қилиш олдимизда турган асосий вазифаларимиздан биридир.

Жойларда тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммолар вилоятимиз фуқаролик суди томонидан ижобий ҳал қилинмоқда.

2001 йилнинг 6 ойи давомида Самарқанд вилоят фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан тадбиркорларнинг манфаатларини қўзлаб кўзатишда даъволар бўйича фуқаролик ишлари ҳолис ва одилона қўрилиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судларга тадбиркорларга етказилган зарарларни ўндириш борасидаги муаммолар босқичма-босқич ҳал этиб келинмоқда.

Ўтган ярим йил мобайнида жами 33 млн. 799 минг 446 сўмлик 113 та даъво аризалари келиб тушган бўлса, шундан 24 млн. 368 минг 991 сўмлик 86 та даъволар судлар томонидан қўрилиб, ижобий ҳал этилди.

Тадбиркорлар манфаатини қўзлаш юртимиз иқтисодиётини юксалтириш белгисидир. Тадбиркорларни қонуний ҳимоя қилиш суд идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак. Лекин баъзи жойларда бу борада муаммолар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, вилоятимизда тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш жараёни йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу ишларда биз ҳўқуқшуносларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги бизга қувонч бахш этади.

Шухрат МУЗАФФАРОВ,
Самарқанд вилоят суди раисининг
фуқаролик ишлари бўйича ўринбосари

НАВБАТДАГИ СЕМИНАР

Ўтган ҳафта Тошкент вилоят прокуратураси ташаббуси билан «Тадбиркорлар фаолиятига арилиш, гайриконуний текширишларнинг олдини олиш, уларнинг ҳўқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоясини амалда таъминлаш» мавзусида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси, вилоят фермер ва деҳқон ҳўжаликлари уюشمаси ҳамда бошқа мутасадди идора вакиллари, туман прокурорлари, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этди.

Семинарда Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномжонов очиб, мамлакатимизда ҳусусий, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бироқ бу борада ҳамон сунъий тўсиқлар мавжудлиги, тадбиркорлар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг гайриконуний аралашмишлари давом этаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, семинарда тадбиркорлар ишга тўсиқ бўлаётган айрим камчилик ва қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз муҳбириимиз)

ИНСОНПАРВАРЛИК

ҚАЙТСИН, ОРТГА ҚАЙТМАСИН!

нигоҳларни қўриб умрининг маълум қисмини шу ерда ўтказётганлар баҳорни кутиб яшаётганларини ва уларни ҳам кутаётганлар борлигини эс этасиз.

Албатта, ҳукуматнинг оқилона сиёсати барча жаҳада бўлгани каби жазо муддатини ўтаётган қўлгаб қишлоқларнинг ҳаётда ўз ўринларини топа олишларига имкон берилишида ҳам ўз ақсини топмоқда. Қарши махсус прокурори Ҳасим Икромовнинг айтишича, ушбу муассасада жорий йилнинг 6 ойи давомида бир неча юз нафар маҳкумнинг жазо муддатларини енгилориги билан алмаштирилиб, жазодан озод этилган.

Озодлик деган тўғуни қалбида ҳис эта олган собиқ маҳкумлар ўйламанки, унинг қадрига етишга ҳаракат қиладилар, — дейди Х.Икромов. — Ахир оиланг даврасида, тинч-осуда умргузаронлик қилишга нима етсини?

Жазони ижро этиш муассасасига турли ўй-хаёллар билан кириб келдик. Инсонпарвар жамият учун интилаётган мустакил давлатимизнинг фуқароларига ғамхўрлигини, адолатпарварлигини муассаса ҳаётини кузатиб яна бир бор амин бўлдик. Шарқона тарбия, миллий кадриятларимиз акс этган ҳикматли сўзлар ёзилган битиклар йўлақлар четидан қоронғуда адашган қимсаларнинг йўлини ёритган машъаладек эътиборни тортди. Муассаса бошлиғи, ички хизмат офицери С. Худойбердиев муассасада олиб борилаётган ишлар, тадбирлар билан таништирди. Ҳа, имкон қадар шарт-шароитлар яратилган, атроф қўқаламзорлаштирилган. Бироқ, болалар ўйининг боласи тўқичлик ичиди, хилма-хил ўйинчоқлар билан ҳам бахтли бўлолмаганидек, маҳкумлар ҳам озодликка ташна.

ЖИЭМда бўлганимизда ҳам худди шу ҳолат, шу манзара, шу хаёллар кишини тарқ этмади. Муассаса бошлиғи, ички хизмат офицери З. Убайдуллаев бизни маҳкумлар билан суҳбатлаштиришга, муассаса ҳаёти билан таништиришга ўндади. Биз жазо муддати қўсқарган ёки енгилорига алмаштирилган, уйига кетишга ошқабатган маҳкумлар билан иккала муассасада ҳам суҳбатлашдик. — Улугбек Барзиевман. Фарғонадан. Ота-онам исминини буюк инсонларга ҳавас қилиб қўйишган. Бироқ уларнинг орзу-хавасини рўёбга чиқара олмадим. Жиноят кодексининг 277-моддаси, 3-қисми билан айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим. Одил ҳукуматимизга минг бор ташаккурки, бу муддатнинг ярминини ўлга қайтаман. Ўз ошман билан ярани таллабди шу қўйга тушганимдан жуда пушаймонман.

—Надирийн Радмиркан. Қарши шаҳридан. Мен ҳам йигитлик бурчимни ўташ ўрнига хизматдан бўйин товланган. Энди озодликка чиқаяман. Бу кўни ой санаб, кун санаб кутганим. Инсонпарвар жамиятимиз олдида ўзимни оқлайман, деган умиддаман.

— Абдуқамид Жўрабевман. Бекободдан. Ичкиликка берилиб одамларнинг тинчини бузганман. Маст ҳолда қўшим билан жанжаллашиб тин жароҳати етказганим. Тўғриси, бу ердан кетсам, ичинини бутунлай ташлайман. Ахир ичкилик тўғриси 3 нафар фарзандимни ота меҳрига зор қилдим.

— Мен ҳамсоямизнинг молини ўғирлаб қўйган эдим. Исмин Санжар, фамилиям Азизов. Бир йилдан бери қамоқдаман. Агар шу муддатда озодлик бўлсаидим, ҳалол йўл билан бир нечта мол қилсам бўларкан. Мен бугун

бироеларнинг молини ўғирлаб кун кўрмоқчи бўлганларга ҳалол бўлинг, бироеларнинг моли ўзигага буюрмаслиги рост экан демоқчиман.

Ҳа, маҳкумлар пушаймонлик билан айтган бу сўзлар кимларнингдир ёмон йўлдан қайтарса ажаб эмас. Бироқ маҳкумлар орасида муассаса маъмурияти талабларини бажармай яна жазо муддатларини ўзайтиришганлар ҳам учраб туради. Улар ўз-ўзларини, оиласини унутиб қўйганмикин? ЖИЭМда шу кўни суд жараёнига гувоҳ бўлдик. Маҳкум И.Бойбобоев яна суд қилинаётган экан. Судья Жамила Бердиева, адвокат Алмира Қайумова, махсус прокурор Ҳасим Икромов ва бошқалар иштирокчида ўтказилган суд жараёнини кузатиб, қонунбузарлик қилиб ўзига-ўзи зулм қилган бу йигитга ачиндик. Унинг уйига қайтаётган маҳкумларга ҳавас билан қараётганини, пушаймонлигини қўриб афсусландик. Бироқ ҳар бир жиноятга жазо муқаррар.

Ҳафиза ЭҒАМБЕРДИЕВА,
журналист

ХУКУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

УЧ КУНДАН ИККИ ОЙГАЧА...

Мен бундан уч йил олдин уй-жой қуриш учун ер участкаси беришни сўраб ширкат ҳўжалиги раисига ариза билан мурожаат этган эдим. Лекин ҳанузгача ҳеч қандай натижа бўлгани йўқ. Ҳўжалик бошлиғига борсам, «ҳокимиятдан фармоиш чикмаса беролмайман», деб баҳона қилапти.

Амалдаги қонунларга кўра, қилинган мурожаатга қанча муддатда жавоб берилиши ёки масала қанча муддатда ҳал этилиши лозим?

К.ЭРГАШЕВ,
Андижон вилояти, Пахтабод тумани.

Фуқароларга уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш масаласи ўзини-ўзи бошқариш органларининг тавсиясига кўра, маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан тегишли ҳудуд ер майдонлари имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Қонунда белгиланган талабга кўра, мурожаатнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, уч кундан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқишлиши лозим. Ҳал этилиши бирмунча ўзоқроқ вақт талаб этиладиган масалалар бўйича эса ушбу муддат яна бир ойга узайтирилиши мумкин. Бундай ҳолда мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берилади.

ИШ ҲАҚИ ШАРТНОМАДА КЎРСАТИЛАДИ

Мен 1997 йили 3-гурӯх ногиронлиги пенсиясига чиққанман ва ҳозирга қадар бошқа жойда ҳам ишлаб келаман. Шунинг учун мен нафақамнинг фақат 50 фоизини оламан. Лекин олаётган нафақа ва иш ҳақим доволаниш ва оила тебратиш учун етмай турибди.

1996 йилдан 2000 йилгача бўлган иш ҳақим ва нафақамни қайта ҳисоблаштишим мумкинми?

Ф.Муртазоева,
Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳри.

Корхона, муассаса ва ташкилотга ишга киришда ишга қабул қилинаётган шахс билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси тўзилади. Шартномада ходим бажарадиган хизмат, вазифа учун шатлар жадвалида белгиланган аниқ иш ҳақи миқдори кўрсатиб ўтилади. Иш ҳақи миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш бажариладиган ишнинг ҳусусияти ва ҳажмидан келиб чиқиб, амалдаги қонунларга асосан амалга оширилади.

Демак, сиз ишга киришингизда олинган иш ҳақи тўғрисида маълумотга эга бўлгансиз. Шу сабабдан иш ҳақингизни қайта ҳисоблаштишга асос йўқ. Иш берувчи бажарилган иш, вазифа учун белгиланган иш ҳақини тўлиқ ёки қисман тўламаганда, сиз ушбу миқдорни қайта ҳисоблаштиб, тўлиқ тўлаб берилишини талаб қилсангиз тўғри бўлар эди.

ЭРИМНИНГ МАОШИ ҚАНЧА?

Мен 1992 йили турмушга чиқиб, 1994 йили фарзанди бўдим. Лекин, ҳастимиз унчалик келишмай, 1995 йили Учқўриқ тумани суди орқали қонуний равишда ажрашдик. Ҳозир собиқ турмуш ўртоғим бераётган алимент пули 6700 сўмни ташкил этади. Эшитишимча, у юқори маош олиб, менга арзимасан пулни тўлаб келаётган экан. Шунинг учун унинг маошини қанчалигини аниқлашга ёрдам берсангиз.

Бундан ташқари, нафақа қозғаша бошқа адрес ёзилиб, у ердан алиментни вақтида ололмаяман. Бу ҳолатда нима қилиш керак?

Озода Ортиқова,
Учқўриқ тумани
Қумарик қишлоғи.

Вояга етмаган фарзанд учун алимент тўлови ота-онанинг ўзаро келишуви, бундай келишув бўлмаганда эса суд томонидан белгиланади. Алимент суд томонидан белгиланганда, унинг миқдори алимент тўловчининг ҳар ойда оладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларидан келиб чиқилади. Бунда алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи (даромад)дан бир бола учун тўртдан бир қисми; икки бола учун ундан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун эримси миқдоридан белгиланади. (Бу тўловларнинг миқдорини белгилашда тарафларнинг моддий ва оилавий шароити ҳисобга олинади).

Эримиз ишлаётган ташкилот эса алиментни собиқ турмуш ўртоғингизнинг ойлик иш ҳақидан суд ижро варақасига асосан ўшлаб қолиб, кейин жўнатади. Агар алимент бошқа манзилга келиб тўшаётган бўлса, бу тўғрида корхона маълумиятига суд қарори ва паспортнинг нусхасини илова қилган ҳолда, юборилиши лозим бўлган манзилни кўрсатиб, шу манзилга юборишларни сўрашингиз мумкин.

ИМТИЁЗ БОРМИ?

Биз, очик турдаги 36-автокорхона акциядорлик жамияти ишчилари уч ойдан буюн туман солиқ инспекциясига мурожаат этиб, фойда ва ер солиғи бўйича бизга имтиёз берилиши ёки берилмаслиги ҳақида аниқ жавоб ололмаямиз.

Солиқ кодекси 31-моддасининг 6-бандида тижорат ишлари билан шуғулланмайдиган ташкилотлар — хайрия бирлашмалари, диний бирлашмалар, уюшма ва фондлар ҳамда бошқа ташкилотлар солиқ тўлашда имтиёзга эга эканлиги айтиб ўтилган. Бошқа ташкилотлар деганда, бизнинг автокорхона ҳам қирадимиз?

Автокорхонада «Экосан» экология ва саноатлик халқаро жамғармасининг гувоҳномасига эга бўлиб, 1997 йил 16 май кундан жамғарма аъзоси этиб қабул қилинган. Бунинг имтиёз олишга дахли борми?

Қарларимизни тўлай олмаётганимиз учун туман солиқ инспекциясининг даъвоси бўйича 2001 йил 5 март кунини вилоят ҳўжалик суди мол-мулкни халтаб, бир қанча транспорт воситаларимизни сотиб юборди. Аслида эса автокорхонадаги транспорт воситалари мудофаа бўлими ҳисобида туради.

Агар биз юқорида айтиб ўтилганларга кўра имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлсак, ҳўжалик суди қарорига протест бериладими?

А.Султонов,
автокорхона ходимлар бўлими бошлиғи

Маълумки, ҳар бир юридик шахс ўз фаолият йўналишини белгилаб берувчи Низомга эга бўлади. Унда юридик шахснинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва эркинликлари аниқ кўрсатилиб, унга мувофиқ фаолият юритади. Хатдан маълум бўлишича, автокорхонанинг транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланиб, ундан тушган фойда ҳисобга ўзини ўзи маблаг билан таъминлайди ҳамда ушбу ҳисобдан ўз ходимларига маош, акциядорларга дивидент тўлаб келади. Бошқача қилиб айтганда, автокорхона ўз фаолиятиндан фойда олишни кўзлайди. Бундан кўрннадими, у хайрия мақсадларида ташкил этилмаган ва шу сабабли уни сиз айтиб ўтган хайрия бирлашмалари, уюшмалар, фондлар, диний бирлашмалар қаторига қўшиб бўлмайди.

Олинган гувоҳнома эса фақатгина намунали меҳнат эътирофидир ва у солиқлар бўйича ҳеч қандай имтиёз бермайди. Суд қарорига келадиган бўлса, бир шахснинг қонун олдидаги мажбуриятлари юзасидан ўзга шахс ўз мол-мулки билан жавоб бермайди. Агар автокорхонанинг суд қароридан норози бўлса, юқори турувчи судга шикоят билан мурожаат этишга ҳақли.

Солиқ кодексининг 31-моддаси 7-бандига мувофиқ, шаҳар йўловчи ташкилоти (такси, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташкил билан боғлиқ хизмат кўрсатувчи юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилади.

ЖАВОБЛАРНИ ҲУҚУҚШУНОС Д. ХАЛИЛОВ ТАЙЁРЛАДИ

РЕКЛАМА



**МУСТАҚИЛЛИК
МУБОРАК
БЎЛСИН!**

«НЕФТГАЗКИПАВТОМАТИКА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ,
«САМАРҚАНД - СИНГАПУР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ВА
«ЭЛ ЖИҲОЗ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

БИР неча йилдирки ҳам нуфузини, ҳам қудратини сақлаб келаётган корхоналардан бири пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган Ўрта Осиё Механизация бошқармасидир. Корхона 1951 йилда ташкил топган. Ушбу бошқармага 1996 йили «Темирйўл қурилиш механизация-лаштириш ҳиссдорлик жамияти» номи берилди. 2000 йилда корхона қошида «Темирйўл бутлаш» кичик корхонаси ташкил қилинди. Бу корхона темирйўлга керак бўлган материаллар билан таъминлайди ва улғуржи савдо билан шуғулланади. 2001 йил март ойида эса «Локомотив сервис» номи билан иккинчи кичик корхона ташкил қилинди.

БҲУНГИ кунда корхона Бухородаги «Нефтни қайта ишлаш» заводи, Самарқанддаги «Парвина» кичик корхонаси, Қаршидаги «Шўртаннефтигаз», Ангрендаги «Ҳўмир қазиб олиш» заводи ва шунга ўхшаш бир қанча корхоналар билан иш олиб бораёпти. «Локомотив сервис» корхонаси эса темирйўллари қуришда ўз техникалари билан қатнашаёпти.

КОРХОНАНИНГ 50 йиллик тўйи ҳамда, Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги қўшалок келганиги барчамизни хушнуд этди. Ватан раънақи йўлида фидоий туйғулар доим ҳар биримизнинг ҳамроҳимиз бўлсин азиз ватан-дошлар!



**«САМАРҚАНДДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»,
«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»,
«ТАЪМИНОТЧИ ПАХТА», «БЕКОБОДЦЕМЕНТ»
ВА «САМАРҚАНДМАТЛУБОТСАВДО»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ҲАМДА
«КАФОЛАТ - ФАЙЗ» КОРХОНАСИ ЖАМОАЛАРИ**

**ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАБ,
ЭНГ САМИМИЙ ТИЛАКЛАРИНИ
ИЗҲОР ЭТАДИ**



ТЕННИС

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС
МАМЛАКАТИГА АЙЛАНДИ

Мусобақанинг очилиш маросими олдидан дастлабки икки учрашув бўлиб ўтди. Унда америкалик Дент Тайлор нидерландиялик Ян Семиринки 7:6, 7:5 ҳисобида, словакиялик Ян Кросляк эса швейцариялик Мишел Кратохвилни 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Марказий кортга йиғилганлар очилиш маросими бошланишини кутмоқда. Залга Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримов кириб келди. Очилиш маросимида нутқ сўзлар экан, Президент Кубоги турнири асосчиси, АТП директори Сассон Качури Ўзбекистондан қисқа муддат ичида жаҳон стандартлари даражасида кўлаб кортлар ишга туширилганини, Ўзбекистон жаҳоннинг теннис ривожланган мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллаганини эътироф этиб, бу ишларнинг барчаси президент Ислон Каримов номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади ва турнирни очиб ўтган сўзни юртбошимизга берди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида саккизинчи бор ўтказилаётган Президент Кубоги турнири иштирокчиларини самимий кутлади. Бу йилги турнир мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигида ўтказилаётгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади. Самимий нутқдан сўнг президент Ислон Каримов ушбу турнирни очиб деб эълон қилди.

Шу ўринда Президент Кубоги турнири тарихига назар ташласак: 1994 йил илк бор «Челленжер» туркумида бошланган бу турнир жаҳон теннис юлдузларини ўзига жалб қила олган. Жаҳон рейтингига энг қучлиларидан ҳисобланган Фабрис Санторо (Франция), Давиде Сангуинетти (Италия), Винсент Спейди (АҚШ) ва Карим Алабий (Марокаш) каби теннисчилар илк турнирдаёқ голиблик учун кураш олиб боришди. Йилдан йилга ўз нуфузини ошириб бorgan Президент Кубоги турнири 1997 йилдан эътиборан Эй-Ти-Пи, яъни профессионал теннисчилар ассоциацияси туркумидаги мусобақалар каторидан ўрин олди.

1999-2000 йиллардаги Президент Кубоги турнири Халқаро Теннис Федерацияси томонидан икки марта «Устуворлиги учун» мукофотиغا сазовор бўлди. Бу албатта Президент Кубоги турнирининг жаҳон теннисидagi маъқеадан далolat беради.

Президент Кубоги турнири Ўзбекистонда тенниснинг ривож учун тамал тошини қўйди. 1994 йилгача юртимизда бирор бир йирик теннис мусобақаси ўтказилмасди. Шундан сўнг Самарқанд, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида «Челленжер», Андижон, Наманган, Гулистон, Қарши шаҳарларида «Фючерс» туркумига кирувчи халқаро теннис турнирларига асос солинди.

Айниқса аёллар ўртасидаги Тошкент Оупен турнирини алоҳида эътироф этиш лозим. WTA туркумига кирувчи бу турнир ўзбек теннис юлдузини кашф қилди. Бугунги кунда жаҳон аёллар теннис рейтингига 23-ўринда турган Ирода Тўлагановадан юртдошларимизнинг умиди катта.

— Мен, — дейди чехиялик теннисчи Даниел Вацек, — Тошкент турнирини жуда ёқтираман. Очилиш маросимида шахсан президент Ислон Каримовнинг иштирок этиши, биз теннисчиларга далда бўладиган сўзларни изҳор қилиши менда ғалабага ишонч уйғотди ва бир йил давомида узоқ кутилган ғалабамга эришдим. Николас Кифер билан тўрт маротаба учрашганман ва барчасида унинг қўли баяндал келарди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Президент кубогини ҳозирга қадар америкалик Чак Адамс, марокашлик Карим Алабий, Феликс Мантиля, буюк британиялик Тим Хенмен икки марта, германиялик Николас Кифер ва Россия вакили Марат Сафин қўлга киритишган.

Барчангизни теннис байрамига чорлаймиз!

Норбек НИЁЗОВ,
«Хуқуқ» учун махсус тайёрлади

ФУТБОЛ

ФАҚАТ ҒАЛАБА УЧУН ЎЙНАНГ

Балки жамоалар ўз олдларига турлича мақсад қўйишгандир, нима бўлганда ҳам ўйиндан олдин уларнинг мусобақа жадвалида эгаллаб турган мавқеалари мактанлари даражада эмас эди. Утган турда ўз майдонида Хитойдан мағлуб бўлган уммонликлар гуруҳдаги ягона йўлланмадан умидини узган бўлса узишгандир, бироқ йиғитларимиз тўғрисида асло бундай деб бўлмайд.

Уйин бошланишига икки соат қолганда ашаддий ишқибозлар аллақачон марказий секторларни банд қилган бўлсалар, бир соат қолганда чирқиллаб чипта излаганлар ҳам ўз жойини эгаллаб бўлган эди.


Нихоят эллик мингга яқин тамошабинлар кутган дақиқалар бошланиб, йиғитларимиз ҳужумга ташланишди. Рақибдан ҳар жиҳатдан устун бўлсак-да, қувончли лаҳзаларни ўн саккиз дақиқа кутушимизга тўғри келди. Муҳлисларнинг тўп уммонликлар дарвозасига киритилган пайтдаги ҳаяжонини тасаввур қилиш қийин эмас. Ирисметовс қўлай вазиятлардан усталик билан фойдаланишини гол билан исботлаб қўйди. Ширшове ошириб берган тўпга оёқни қўйиб қўйиш қолган эди холос. Шундан сўнг муҳлисларга чексиз завқ-шаҳв бағишлаб

уммонлик Бадар Жума қўриқлаётган дарвозага яна тўртта тўп киритилди. Шахки, Ирисметов, Қосимов иккита. Айниқса Миржалолнинг 54-дақиқада жарима тўпини дарвозага ажойиб тарзда жойлаб қўйиши қатарлиқлар дарвозасига урган голидан ҳам чиройли чикди. Шундан уммонликлар анвойи экан деган ҳулоса чиқмаслиги керак. Бизни бир марта голдан дарвоза устун кутқариб қолган бўлса, Поляков бир бор тўпни қийинчилик билан майдон ташқарисига чиқариб юборди.

Ушбу ғалабадан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳда 2-ўринга чиқиб олди. Қатарнинг ўз майдонида Хитой билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаши жамоамизнинг биринчи бўлиш имкониятини бирмунча яхшилади. Энди шарқлиқлар билан орамизни биргина очко ажратиб турибди. 15 сентябрь кўни Шеньянга бўладиган ўйин кўп нарсани ойдинлаштиради. Арабларнинг охириги дақиқаларда тўп ўтказиб юбориб, ғалабани қўлдан чиқариши хитойликлар устози Бора Милутиновичнинг баландпарвоз гапларидан қўйишга асос йўқлигини кўрсатади. Ҳаммаси йиғитларимизнинг маҳорати, кучига боғлиқ. Улардан фақат ғалаба кутиб қоламиз.

Хасан НИШОНОВ,
«Хуқуқ» муҳбири

КРОССВОРД



Энига: 1. Қутб жонивори. 3. Ҳам саркарда, ҳам шоир. 5. Кимёвий элемент. 7. Қўр-қўрона қабул қилинган қоида. 9. Соҳа, ҳунар. 11. Қадимги ўлчов бирлиги. 12. Лакшманнинг ақиси. 14. ... — саждагоҳ каби муқаддасдир. 15. Пайғамбарлардан бири. 16. Инсонийлик, ижтимоий тенглик. 17. Дин қоидалари. 19. Дарахт. 21. Сеп. 24. Суворий. 26. Боғлаш учун ишлатилади. 30. Инсон. 31. Расмий назорат. 32. Табиий офат. 34. Қамишдан тўқилган тўшама. 36. Американи кашф қилган киши. 37. Зардўштилар китоби. 38. Қимматининг ақси. 40. Саккиз овоз учун ёзилган мусика. 44. Хитой. 48. Вактинча фойдаланиш учун олинган нарсаси. 50. Қироллик давлати. 51. Иш, вазифа, муаммо. 52. Қутб. 54. Аския. 55. Канададаги қадимий шаҳар. 56. Хуллас калом, қисқаси. 59. Замонавий ўқув маскани. 60. Мехр, ҳавас. 61. Консерва тайёрланадиган балик. 63. Табиат ҳодисаси. 65. Ўқинч, афсус. 68. Эстрада гуруҳи. 70. Чолғу асбоби. 73. Шиддатли бурон. 75. Отнинг боласи. 76. «Қирол шер» мультфильмидаги қаҳрамон. 77. ... - кесил. 78. Бемалол. 79. Яхна ичимлик. 80. Европадаги миллат. 81. Ҳабаш.

Бўйига: 1. Туркменистондаги қадимий шаҳар. 2. Қилмишига яраша қўриладиган чора. 3. Юза бирлиги.

га тўғри келадиган куч. 4. ОАВ. 5. Кун чиқар тараф. 6. Эртақлардаги махлуқ. 7. Ўзбек чолғу асбоби. 8. Ўн икки буржнинг бири. 9. Ўрта ер денгизидagi орол. 10. «Дугоҳ» макомларига кирадиган куй. 12. Бозор пештахтаси. 13. Қуритилган узум. 18. Паразит ҳашорат. 20. Танадаги газак олган жой. 21. Хомхал. 22. Япониядаги шаҳар. 23. Фан. 25. Ялпиз таъмили модда. 26. Йиртқич балик. 27. Миллий таом. 28. Ўқимишли аёл. 29. Қадимги транспорт воситаси. 33. Европадаги давлат. 35. От тури. 39. Ер, олам. 41. Ёзма равишда расмий билдириш. 42. Қишлоқ ҳўжалиги мутахассиси. 43. Ўзаро келишув. 45. Буюмнинг кичрайтирилган нусхаси. 46. Ноз, карашма. 47. Конкрет эмас, ноаниқ. 48. Россиядаги ишлаб чиқилган ёғ. 49. Давом этиб келаётган. 52. Шпион, айғоқчи. 53. Маймунларнинг севимли меваси. 57. Бутун, бир бўлак. 58. Ҳаво ранг. 62. Денгиз. 64. «Бой ила хизматчи»даги қаҳрамон. 66. Тропик жойларда ўсадиган мевали дарахт. 67. Денгизнинг «ақиси». 68. Эстрада хонандаси. 69. Айқиннинг севимли таоми. 71. 2001 йил мучали. 72. Нордон меваси. 74. Серсув дарё. 76. Ҳуқуқ-тартибот органи.

Тузувчи: НАВРЎЗА ЛУТФУЛЛАЕВА,
Тошкент шахри

Моҳият

Ўзи қабул қилган
қонунларни бажар-
майдиган давлат
охир-оқибат яқсон
бўлади.

САЛОН

**ЯНГИ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ, КАФОЛАТЛАНГАН,
100 ФОИЗ ТАБИИЙ МАҲСУЛОТЛАР (ФРАНЦИЯ)
БИЛАН ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

- Қандали диабет;
- уйқусизлик, асаб тизими касалликлари, камқувватлик;
- простатит, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, аденома;
- мастопатия, миома, киста, шамоллаш ва яллиғланиш асоратлари;
- кўз касалликлари: катаракта, кератитлар, глаукома;
- болалар ва ўсмирларнинг ўсишдан ортда қолиши, тез-тез касалликларга чалиниши;
- жигар хасталиклари;
- аллергия, витилиго, псориаз;
- ошқозон ва 12 бармоқли ччакнинг ярали касалликлари, колитлар;
- юқумли касалликлардан қоладиган асоратлари

Телефонлар: 144-41-57, соат 16 дан кейин: 50-45-44

«ХОЛДИНГ» компанияси раҳбарлик лавозимида ишлаш қобилияти бўлган, ташкилотчи кишиларни ишга таклиф этади.

Телефонлар: 144 - 41 - 57. Соат 16 дан кейин: 50-45-44.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Бахтиёр Доноқулович Сармановга ўқаси
Бахтиёр САРМАНОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳуқуқ ҳамдардлик билдирди.